

3 ҶИЁ ЧАШМАСИ



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 2 (209)

2013 YIL, FEVRAL

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Сўз мулкининг султони

**Алишер Навоийнинг
572 йиллигига бағишланган
тадбир бўлиб ўтди**

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирни институт маънавий-маърифий ишлари проректори А.Тангиров кириш ва табрик сўзи билан очиб берди. "А.Навоий серкирра ижод соҳиби ва давлат арбоби" мавзусида Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти кафедраси доценти Н. Соатова маъруза қилди.

Талабалар томонидан Алишер Навоийнинг ижоди ва ҳаётига оид қизиқarli саволларга маърузачилар томонидан жавоблар берилди.

Шундан сўнг Ўзбек тили ва адабиёти факультети ва мусиқа таълими йўналиши талабаларининг "Навоий гулшани" деб номланган бадий чикишлари намойиш этилди. Унда талабалар Навоийнинг газал ва рубоийларини ўқидилар, шоир газаллари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этишди.

Шоҳ ва шоир

13 феврал куни институтимизда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирни институт ректори, профессор О.Дўсма-тов кириш сўз билан очиб берди.

"Мирзо Бобур адабий-илмий мероси ва унинг ғарбий Европада ўрганилиши" мавзусида филология фанлари доктори, профессор М.Холбеков, "Бобурнома"-нинг тил хусусияти мавзусида доцент М.Турсунпўлатов, "Бобурнома"да Навоий тимсоли мавзусида филология фанлари номзоди А.Турсунқулловлар маъруза қилдилар.

Тадбирда З.М.Бобурнинг рубоийларидан, газалларидан парчалар ўқилди. Мусиқа таълими йўналиши ўқитувчилари ва талабалари томонидан З.М.Бобур газаллари билан ашулалар ижро этилди.

Адабиётимизнинг

икки буюк намояндаси – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган тадбирлар вилоятимизнинг барча қорхона ва ташкилотларида, ўқув юртлари ва мактабларида адабиётнинг катта байрами сифатида кенг нишонланди. Институтимизнинг етакчи олимлари, адабиётшунослар, навоийшунос ҳамда бобуршунослар жойларда Навоий ва Бобур ҳаёти, ижодий фаолиятига доир сермазмун давра суҳбатлари қилдилар. Бунда ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси, ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти ка-

**Заҳириддин Муҳаммад
Бобур туғилган кунга
530 йил тўлди**

федраси, ўзбек тили ва уни ўқитиш услубияти кафедраси профессор-ўқитувчилари ташаббускор бўлдилар. Институтимизнинг ҳар бир факультетида улуг бу икки зотнинг бебаҳо хизматлари ва бизга қолдирган бадий мерослари ҳақида давра суҳбатлари, адабий, шеърхонлик кечалари мароқли ўтди.

Навоийхонлик ва бобурхонлик жамоамизда йил бўйи давом этади.

(Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги мақолалар билан газетамизнинг 2-3-саҳифаларида танишасиз).

Илмий кенгашнинг навбатдаги йиғилиши

12 февраль куни институт илмий кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастурий ҳужжатлар муҳока-маси ҳақида ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи доцент Э. Фаниев маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган вазифалар ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий ма-лакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Республика олий таълим муас-сасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъмин-лаш ҳақидаги масалалар юзаси-дан институт ректори, профес-сор О.Дўсма-тов маърузаси эши-тилди.

Институтда маънавий-маъ-рифий ишларни кучайтириш, талабаларни фан тўғаракларига, спорт секцияларига қатнаши-шини ташкил этиш, бўш вақт-ларини мазмунли ўтказиш бўйича

белгиланган чора – тадбирлар ҳақида маънавий-маърифий ишлар проректори доцент А.Танги-ров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белги-ланган вазифалар ижроси юза-сидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги 191-сонли қарори ижросини таъмин-лаш юзасидан институт ахборот-ресурс марказида "Ziyo-Net" тармоғидан талабаларнинг са-марали фойдаланишлари учун етарлича қулайликлар яратиш чора-тадбирлари ҳақида, 2012-2013 ўқув йилида яқуний Давлат аттестациясини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ва белгиланган чора-тадбирлар ҳақида ўқув ишлари проректори доцент Н.Алимов маъруза қилди. Шунингдек, 2012-2013 ўқув йилининг биринчи ярмида рей-тинг назоратларининг даст-лабки натижалари таҳлили бў-йича ўқув-услубий бўлим бош-лиғи доцент Ф. Ҳанитов ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган барча масалалар бўйича кенгаш те-гишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Респу-бликаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлашти-риш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилот-лари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари Экофоруми қўшма қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари талабалари ва магистрлари ўртасида «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича «Энг яхши ғоя-2012» тан-ловини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган эди.

Республика танлови ғолиблари

2013 йилнинг 12 фев-раль куни Тошкент Ирри-гация институтининг мажлислар залида танлов ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Тан-ловга республикамизнинг барча олий ўқув юртлари-дан ташриф буюрган юз-дан ортиқ талабалар ўз лойиҳалари билан ишти-рок этишди.

Ушбу танловда институ-тимиз Тасвирий санъат ва меҳнат таълими факульте-ти 3-босқич талабаси То-ғаев Баҳром «Энг яхши матн иши» номинацияси бўйича биринчи даражали диплом, Табиатшунослик ва география факультети Умумий биология ва уни ўқитиш услубияти кафедраси

расининг 1-босқич магис-транти Дадаева Гулчехра «Энг яхши лойиҳа» номи-нацияси бўйича учинчи да-ражали диплом ҳамда эс-далик совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу муносабат билан кўп сонли газета мухлис-лари ҳамда профессор-ўқитувчилар, магистрант-лар ва талабаларимиз но-мидан ғолибларни муваф-фақият билан чин кўнгил-дан табриклаймиз ҳамда илмий ишларига улкан за-фарлар тилаймиз.

**Д. ИМОМОВА,
О. АВАЛБОВ,
Умумий биология
ва уни ўқитиш услу-
бияти кафедраси
ўқитувчилари**

Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси
Давлат стипендиялари
совриндорлари – иқтидорли
талабаларимиз



**Зулфиқоров Ихтиёр
Ахмадович**

– бошланғич таълим педагогика-си факультети 4-курс талабаси. На-воий номли Давлат стипендияси совриндори.



**Соатова Шохиста
Маматқуловна**

– педагогика-психология фа-культети 4-курс талабаси. Навоий номли Давлат стипендияси сов-риндори.



**Имомова Дилафрўз
Улуғбек қизи**

– табиатшунослик ва география факультети 4-курс талабаси. Улуғ-бек номли Давлат стипендияси сов-риндори.

Ғолиб талабаларимизни институтимиз жамоаси номидан қизгин табриклар, уларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаймиз!

Бадиий калом меъмор

Алишер Навоий таваллудига 572 йил тўлди



Алишер Навоий туркий адабиётининг энг машҳур вакиллари билан бирдир. Чунки ҳеч ким тил ва адабиётнинг раънақи учун унингдек хизмат қилмаган эмас. Ҳазрат Навоий адабий меросининг улғуворлиги, куч-қудрати, ҳамма замонлар учун азиз ва муҳаррамлиги шуларданки, унинг

нога кўра бу манзара шоирнинг маънавий қиёфаси ва мартабасидан даракдир ва тун бўйи тонггача ишқ, умид ва зорлик билан йиғлаб чиққанидан аломатдир.



номоён этган. Хар бир бадиий образ битта образда ўзига хос равишда уйғунлаштирилган тасаввурларнинг қисмлари, элементларидир ёки бутун бир тасаввурларнинг ўзидир. Алишер Навоийнинг ғазалларида ишқ мавзуси кенг қуйлиниб, ёрнинг хуснию, ошиқнинг севгига оид туйғулари ҳақидаги гўзал лавҳаларни кўра-миз. Улуғ шоир тайёр анъанавий образ ва ғояларни қуйлаш билан қаноатланмаган, анъаналар доирасида ҳам бадиий тасвирда янгиликка эришишга интилган. Унинг

Алишер Навоийни ким ёмон кўрган

Кунлардан бир куни Султон Хусайн вазирларининг ёлгон сўзларига ишониб, Алишер Навоийни зиндонга буюрибди. Кўп вақт ўтмай унинг гуноҳсизлиги маълум бўлибди. Подшо уни зиндондан чиқаришларини буюрибди. Алишер Навоий эса чиқишга унамабди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонида ажабланганини билдирибди. Шоирни зиндондан чиқариш учун кўп уринибдилару, фойдаси бўлмабди. Энг кейин унга яқин кишилардан бирининг маслаҳати билан Алишер Навоийнинг ёнига бир ахлоқни қамаб қўйибдилар. Шоир ана шундан сўнггина зиндондан чиқишга розилик берибди.

Навоий ҳақида уч ривоят

ни талаган эдилар, деб гўримизни тепкилаб ўтадилар. Келинг, энди ўғрилиқни ташлаб, қолган умримизни ҳалол ишлаб ўтказайлик, тавба қилайлик, шояд бизларнинг гуноҳимизни кечирши.

Шу бўлибди-ю, ўғрилари ўзларини меҳнатга урибдилар. Ана ўшандан бошлаб ҳалқ орасида "ҳаддиндан ошсанг мазорга бор", деган нақл қолган экан.

Бир матлаъ тарихи

Алишер Самарқандда таҳсил кўраётган йиллари бир матлаънинг асири, мафтуни бўлди:

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок, Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.

Алишерни ўзига асиру мафтуни этган бу байтнинг соҳиби бир гадо эди. Гадо Самарқанд бозорида эртадан кечгача баланд, ширали овози билан шу байтни такрорлар, уни қайта-қайта эшитиб, завқланувчи садақа инъом этувчи аҳли дард, аҳли фазл оз эмас эди. Навоий гадонинг ёқимли ижросида матлаъни қайта-қайта тинглар, йўл-йўлакай зам-зама қилиб, хужрага қайтганда ҳам қулоғида жаранглаб, ҳатто кечалари унга уйку бермас эди.

"Харидор бўлиб шу байтинингизни менга сотинг! Ақчам кифоя қилмас, тўнимни ҳам пуллаб берай, йўқ деманг!"

Илтимосни эшитган кекса гадо қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди, кейин бошини чайқаб, рад қилди:

- Кўринишингиздан каш-шоқ муллабаччага ўхшайсиз! Шундоқми?

- Шундоқ.

- Шундоқ бўлса, байтни сотиб олиш ниятидан кечинг, текинга олинг-да, ёдлаб, ўқиб юра беринг! Бунинг учун менинг томонимдан қандай монелик бўлиши мумкин?

- Шунинг учун сотиб олишим керакки, у чоғда сиз бу матлаъни қуйлаб, тиланишдан маҳрум бўлури.

Алишер Навоийдан бу даврони эшитган гадо мийғида қулиб, тамагирона бош чайқабди:

- Балки кучингиз етмас, балки шуни шоҳликка ҳам алишмасман. Зероки, бу байт менга отамдан мерос, уни кирқ йилдан бери такрорлайман, шу йўл билан қорнимни тўйгазаман, бола-чақа боқаман!..

- Отангиз шоирмидилар?

- Шоир эмас, боғбон эдилар, бу байтни баланд овозда қуйлаб боғни парвариш қилар эдилар.

- Фақат бир байтининг ўзимиди ёки тўла, мукамал ғазал эди-ю, сиз шу байтигина ёдда қолдирганимиз?

- Йўқ! Отам ҳам шу бир байтни такрорлар эдилар.

- Қайси зотнинг асарлари эканини ҳам билмасиз?

- Афсус, ному тахаллусларидан хабарсизман. Отам ҳам билмаган бўлсалар керак!.. Алишер Навоий гамгин сукутга чўмди, гадо сўзини давом эттирди:

- Сиз ёд олиб, ўқиб юришингиз учун менинг ризолигим кифоя қилмайдими?

- Сизнинг ризолигингиз ҳам ёд олиб, замзама қилиб юрибман, лекин мен учун бу кифоя эмас... - Шундай

қилиб умиди узилган шоир бўшашиб хужрага қайтди.

Орадан бир неча йил ўтди. Хусайн Бойқаронинг таклифи билан Алишер Навоий Хиротга жўнаб кетди. Салтанатда бош вазирлик мартабасини эгаллади. Султон Хусайн Бойқаро давлат, салтанат султони макрами да бўлса, Алишер Навоий Шарқда "ғазал мулканин султони" бўлиб танилди. Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтганда кейин Навоий давлат иши билан Самарқандга йўли тушиб, қадрдонларига меҳмон бўлди, бир сўбатда Алишер Навоий ўзини асиру мафтуни қилган ўша байт билан унинг соҳиби - гадини эслади. Ҳамсухбатлар шоирга ўша гадонинг ниҳоят кексайиб қолганлиги, энди бозорма-бозор, раस्ता-раста кезиб юрломай, бир ерда букчайиб ўтирганича байтни пичирлаб айтиб тиланаётганидан дарак бердилар. Алишер Навоий эртаси кун гадони каппон бўсағасидан топиб, зиёрат қилиб, сўнг ўзини танитди:

- Ёдингизда борми? Байтга харидор бўлган эдим, сиз рад қилган эдингиз.

- Ёдимга тушди! Ҳали ҳам ўша давводан қайтмадингизми?

- Йўқ, ота! Ҳамон ўша ғазалнинг асири, мафтуниман, ҳамон шайдо харидорман!

Чол қулибди:

- Сотаман! Бироқ, олишга қурбингиз етса кошқи эди.

- Балким етиб қолар...

- Жуда кексайиб қолдим, энди уни баланд овозда ўқишдан ожизман. Ҳақ сўзини айтганда, гадоллик ҳам меъдама тегди! Қурбингиз етса, яхши ховли-жойга, унинг яқинидан бир тегирмон ва бир эшакка эга қилингу байт сизники бўлсин, мен ўлғунимча ҳақингизга дуо қилиб, қолган умримни тегирмончилик билан кечирай.

Алишер Навоий мамнуният билан: "Хўп!" - деди. Чолнинг айтгани бўлди, унга данғиллама ховли-жой, тегирмон ва бир эшак сотиб олиб берилди. Соҳиби номаълум бўлган шоҳбайт Навоийнинг зархарид мулки бўлиб қолди. Шундан кейин шоир унга дадил даст уриб мукамал ғазал ҳолига келтирди:

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок, Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгил гамнокиндин то шодмон кўрдим сени, Истарам ҳар дамки ўлғай хотирим гамнокрок.

Лайли андин кўйди Мажнун кўнглида роҳат гамин, Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин боқрок.

Ўйла, мижгон ханжарига ёпишибдур дарданнинг - Ким, магар андин тиним йўқдир вале бебоқрок.

Одамлилик тупрогин берса фан елига чарх, Оқжим, йўқтур киши аҳли фанодин хокрок.

Неча ўқлонса Навоий кўнгли замин чок бўлур, Кўрмадик, захмини тиккан сори бўлғай чокрок.

Ички кечинмаларнинг рангин жилоси

хар бир асари ҳаёт нафаси билан йўғрилган. Юртбошимиз Исом Каримов таъбири билан айтганда "Агар бу улғу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дидир". Унинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндашиш, ўзига хос таҳлил ва тафсири тоқозо этади, чунки хар бир ғазали алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадиий фикр ва ҳис туйғулар ривожини ифодалаб келади. Тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва муносиблиги ҳам шунга мувофиқ.

Бадиий адабиётнинг тараққиёти сўз усталарининг инсон қалбига қанчалик чуқур кира олгани, инсоннинг маълум тарихий шароит, ижтимоий муҳитга муносабатини тўғри кўрсата олгани билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан улғу шоиримиз Алишер Навоийнинг хизматлари беқийсдир. У инсон гўзаллигини маҳд этган ва унинг ички дунёсини, орзу ва интилишларини, ўз замонасига муносабатини, дард - аламларини, изтироб ва ҳаяжонларини теран ифодалашга эришган. Ҳозирги термин билан ифодалаганда, унинг ижодида ички кечинмалар тасвири - **психологик** муҳим ўрин эгаллайди. Зеро Навоий девонида бундай фавқуллода ва беназир ғазаллар ва байтлар сон-саноксиз.

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок, Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.

Яъни шоир айтмоқчики, "менинг кўксим тонгининг йиртилган қўйлагидан кўра ҳам чокрок, йиртиқрок, киприқларим эса устига шабнамлар тўкилган майсалардан кўра ҳам намлирок, хўлроқ". Тасаввуфий маъ-

тасвирида муболага етакчи усуллардан бири бўлиб, у романтик тавсифнинг етакчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолни биз куйидаги психологик кечинмалар тасвирида ҳам яққол кўраемиз.

Гар Навоий йиғласа ишқинг мажозийдур дема, Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Ҳахр ёшлари-реал ҳаётнинг инсон кечирган руҳий изтироблар, соғинчлар, лазиз ё аламли ҳаёллар хотираларининг қайноқларзаси, мавжи демак бу-мажозий ишқ нишонаси, аломати. Навоийда бундай пурмавж байтлар озмунчами. Ҳа улғу шоирнинг "васл мумқуну йўқ" деб билган сабрда, қаноатда тенгсиз, юксак ва эзгу ҳаёл дунёси билан овувчан қаҳрамони - ошиқ ҳам инсон сифатида дард-хасратлари тўғенга келганда кўз ёшлари тўкишдан ўзини тийёлмайди.

Алишер Навоий ўз ғазалларида ошиқнинг ишқи, дарду-хасрати, орзу-хаваслари, интилишлари тасвирига тобора кенг ва жиддий ўрин берган. Яъни ошиқ ўз ёрининг гўзаллигини таъриф ва тавсиф этибгина қолмасдан, ўзининг ишқи, орзуси, ички ҳаяжонлари, дарду аламлари, жавобсиз қолган севгиси изхоридан изтиробини баралла баён этади.

Ҳазрат Навоий ижоди орқали ўзбек адабиётида, психологик тасвир элементлари пайдо бўлди, инсон образи борган сари тўлароқ гавдалана бошлади. Зеро ҳаёл вужудга келтирилган образлар (тасаввурлар) фақат оннинг субъектив мазмуни акси бўлиб қолмай, шу билан бирга бу образлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг оғзаки ва ёзма нутқдаги ифодасидир. Хусусан, Навоийнинг шеърини ва насрий асарларидаги образларнинг яратилишида ҳаётнинг синтез ва анализ қилувчи мураккаб фаолияти ўзининг характерли хусусиятларини ёрқин

Дарҳақиқат, Навоий ғазаллари ҳақиқатнинг рангин оламига битилган ўлмас моҳиятдур. Шоир ғазалларида бадиий эстетик туйғулар талқини гўзалликнинг бош омил сифатида номоён бўлади.

Аслида ҳам, бадиий образлар талқинидаги воқелик тасвири - қутлалмаган бурлиқлар, эврилишлар шууримиздаги онг билан кўнгли деб аталган икки қўлнинг уйғунлиқдаги фаолияти самарасидир. Бу айни вақтда Алишер Навоий ижодида ўзининг юксак даражасига кўтарилган.

Шоҳиста СОАТОВА, Педагогика-психология йўналиши талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендианти

Навоий ҳикматларидан

Мурда диллар бирга сўхбатдош бўлиш-жон қойиши, Ҳеч тирмамайди ўлик, ҳар қанча тўксанг кўз ёши.

Қилма улғу ақлу асига қасд, Айлама ва жонини машига қасд.

Ҳикмат агар бўлса Навоий севга, Билмадурр Ҳотам Тўйи севга.

Гавдари дурин қулқоз овори бил, Сўзи қулқознинг дурин шаҳвори бил.

Бировам вурр ростликдан ишроқ, Ошпадек юши бўлмагани яхшироқ.

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммуд айлади, Бахт ошпақ ишшини нўшу хорини гул айлади.

Кимки айлай десанг маҳрамнинг, Кўп синамай айламали ҳамдамнинг.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиш, Етар яхшиликдан анга яхшилик.

Нафъинг агар халққа бешак дурур, Билки бу нафъ ўзинга кўпроқ дурур.

Йиғилмакда йиғ илмининг маҳзани, Қаримлик чоғи харж қилма онн.

Ҳусну жамолсин ишқи ширин калом эса, Сайд айлар алин нўрган фасоҳат билал деса.

Чунки тама бўлди гадолар иши, Билки гадоқир тама этган киши,

Улки этиб тарзи қаноат ишор, Айлаб ани ул тама ва ичра хор.

Миллат донфини дунёга таратган зот

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига



бурнинг ишончли беги Узун Хасан унинг душмани Аҳмад Танбаҳ билан тил бириктириб укаси Жаҳонгир Мирзони Андижон тахтига ўтказиш пайида бўладилар. Бобур Самарқандни ташлаб

фаҳримиз

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ўзбек маданиятининг, ўзбек ақл-у тафаккурининг тимсолларидан биридир. Бобур ижоди қувонч-у ғамга, бахт билан бахтсизликка тўла бўлган, айни пайтда, ниҳоятда маърифатли, нозик дидли бир инсон ҳаёти мураккаб туйғуларининг ёрқин бир ифодасидир.

Толёй йўқки жонимга балоланг бўлди,
Хар ишники айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни ташлаб ҳинд сори қозландим,
Ўз ери нетайин не юз қаролиг бўлди.

1483 йилнинг 14 февралда Андижон шаҳрида туғилган Бобур Мирзо саройда ўз даврига яраша барча зарур билимларни эгаллаган. Отаси Умаршайх Мирзо Аҳси кабултархонасида бевақт – 39 ёшида фожиали ҳалок бўлган, оиланинг катта фарзанди 12 ёшли Бобур валаҳд сифатида тахтга ўтиради. Бобур ҳукмронлиги Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжага чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилган пайтда бошланган. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга бўйсунтиришдан бош тортадилар. Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даврасини қилади, яна бошқа билари Бобурга рақиб, бошқалари амаки ва тоғаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади. Буларнинг барчаси рубоийнинг биринчи сатридаги "Толёй йўқки жонимга балоланг бўлди" сўзларида яққол акс эттирилган.

Иккинчи сатрда Бобур Мирзонинг уч марта Самарқандга юриши ва мағлубияти келтирилган. Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни босиб олиш ва Мовароуннаҳрни бирлаштириш бўлган. Шу боис Бобур Мирзо 1496 йилнинг 17 июнида Самарқанд қамалига тутинади. Бироқ киш яқинлашиб қолганлиги тўғрисида камал тўхтатилади. 1497 йилнинг май ойида Самарқандга юриш бошланади. Самарқанд ҳукмдори Бойсунгур Мирзо Шайбонийхондан ёрдам сўрайди. Иккиси тўғри муролага келишолмай Самарқандни қўздан бой беришади. Бобур Мирзо Самарқанд тахтида узоқ ўтирмайди. Бо-

Андижонга Жаҳонгир Мирзо билан келишига мажбур бўлади.

1500 йилда Бобур Мирзо Самарқандга яна юриш бошлайди. 1501 йил апрелида Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғидаги оғир урушда Бобур Мирзо қўшинлари Шайбонийхон қўшинларидан енгилади ва 250га яқин киши билан худого таваккал қилиб Қобулга йўл олади ҳамда у ерни эгаллайди (1504 й).

1510 йили Шайбонийхон ҳалок бўлган, Бобур Мирзо қалбида шох Исмоил ёрдамида Мовароуннаҳрни март кўлга киритди. Шох Исмоил олий ҳукмдор деб эълон қилинди. Аммо Исмоил исломнинг шиа оқимига эътиқод қилгани учун уни шу билан биргаликда Бобурни ҳам қўллаб қувватламади. Бундай қулай фурсатдан Шайбонийхон авлодлари Убайдулла Султон билан Муҳаммад Темур Султон тўғри фойдаланиб, 1512 йил 28 апрелда Чўли Маликда бўлган жангда ғалаба қозониб Бобурни енгадилар.

Рубоийнинг учинчи сатрида келтирилганидек, Бобур Мовароуннаҳрдан тасоман умидини узиб, Қобулга қайтади. Қобул бошқарувини ўғли Комронга қолдириб, ўзи Хиндистон сари йўл олади.

Ўз ватанини бутунлай тарк этиб, бошқа давлатда кўнми топиши, қилган ишлари самараси эса туртинчи сатрда "юз қаролиги" да акс этган. Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида 47 ёшида вафот этади.

Бугунги кунда Бобур номи ўзбек миллатини армони ва фаҳридир. Армон шуки, шундай баҳодирқалб, шижоатли ўз юртига сифмади. Умри сарсонликда кечди. У беадад салтанатга эга бўлди, лекин уларнинг ҳеч бири Ватанининг ўрнини боса олмади.

Армон шуки, у ўз асарларини от-тида жанг-у жадаллар оралиғида ёзди. Эҳтимол осойишта ҳаётда уларнинг сони жуд кўп бўлиши мумкин эди. Фаҳримиз шуки, унинг яратган маънавий мероси қимматли бўлиб ҳавас қилса арзигулик. Фаҳр шуки, Бобурда шох бизнинг миллатимиз бағрида майдонга келди миллатнинг донфини дунёга танитди.

Гулчирай МАМАТОВА,
Тарих йўналиши талабаси



шуъласи ҳар қадамда сезилиб туради. Айни маърифат улғу шоир ва адибнинг қалб фарзанди-бадийи яратма-

ШЕЪРИЯТИДА РУБОУИ

Бобур рубоийлари шоир поэзиясининг чўққисидир.

Ойбек

хуши, фаҳм-фаросати жойида бўлган ҳар бир ўзбек мана шу учун ҳам шукрона асос, бу донишманд сиймони чандон камситгандай бўламан. У қалбни эмас, мутасаввиқлар таъбири билан айтганда, "олами суғро" (олам ичра яна бир олам)ни-тубсиз маънавий хазинани бағрида кўтариб юрган. Уша хазина эса исломий-илоҳий нурдан баҳра олиб турган. Шундан бўлса керак, шоир кеңирувчанликни, умид билан яшашни, қачонлардир яхшилик голиб келишига ишонч туйғусини жонжаҳди ила улуғлайди.

У бошқа бир рубоийсида:

Хар кимки, вафо қилса,
вафо топқусидир,
Хар кимки, жафо қилса,
жафо топқусидир.

Яхши киши кўрмагай

ёмонлик ҳаргиз,
Хар кимки, ёмон бўлса,
жазо топқусидир,

дея ҳукм чиқаради. Айни армонли мисралар бизга ҳам замондошдир. Нурли қилиб яратилган дунёнинг юзига шайтон лазин гард кўндиришга уриниб кўрди. Шайтонку ёвуз мақсадига эриша олмади, бироқ нур ва зулмат курашининг урфга айланишига боис бўлди. ҳасадгўйлик Одам Ато фарзандлари вужудида ҳам яшай бошлади. Аслида Бобур Мирзони дилхун қилиб, зор қақшатган ҳам ўшалар эмасми? Дарвоқе, шундай. Уша жароҳатларнинг зардоблари мана бу мисралар маънасида синиб кетган бўлса ажаб эмас:

Арбоби ҳасадки, дунёдин дур ўлғай,
Истар севаридин киши маҳжур ўлғай.
Доим кўрайин юзинг ало рағми ҳасуд,
Хар ким кўра олмаса, кўзи кўр ўлғай.

Беш юз йилдан зиёдроқ давр ўтибдики, мазкур сатрларда нақшланган дард ҳолис инсонлар қалбига озор етказиб келди. Разолатга ёндош бандаларнинг Бобур Мирзо ҳукми ила эълон қилинган жазога лойиқ эканликлари шуб-ҳасидир.

Унинг ҳаёт йўлида ёрқин зиёнинг

лари йўлида ҳам кучли шамчирок бўлиб хизмат қилади. Мана бу рубоийларга эътибор қилайлик:

Эй ёр, сенинг васлинг(г)га етмак мушкул,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушкул.
Ишқингни дағи бартараф етмак мушкул,
Бошни олибон ҳар сари кетмак мушкул.

Келдим санга юз умид била, эй мох,
Лекин ёндим юзингни кўрмай, юз ох.
Ҳамсуҳбату ҳамроҳини нетай бу йўлда,
Дардинг манга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.

Заковатли шоирнинг мазкур шеърларидаги мазмун шунчалик кенги, уни хоҳ самога улган, хоҳланг ерга олиб тушинг. Хар икки ҳолатда ҳам бош моҳият ишқ ва дард, ишқ ва садоқат, ишқ ва ишонч каби юксак туйғуларнинг оҳори сақланади. Ошиқнинг маъшуқа дарди ва васлига етмоқ илжинчидан ўзга ташвиш ва тараддуди бўлиши мумкин эмас. Бобур Мирзонинг қалбида ёнган ишқ алангаси уни сира тарк этмаган. Тўғри, у қомил муслим бўлгани ҳолда шеърятнинг барча талабларига риоя қила олмади. Шарофга ружу қўйган пайтлари, маъжун кайфи билан дилига таскин берган пайтлари бўлди. Лекин шу билан бир қаторда у ўша гуноҳларидан қомил садоқат билан тавба ҳам қилди. Умри вафо қилганида, у дарвешона турмуш тарзига ўтиб, тавба-тазарру билан яшармиди?

Улуғ шоирнинг бир рубоийсида ўша дардлар теран руҳий изтироб ва санъаткорона бир назокат билан нақшлангандай туюлади инсонга:

Бедад ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқга кўрмади руҳи ғардимни.
Меңдин неча кўнғида губори бўлғай,
Кетдим, мана эмди топмағай гардимни.

Дилида қават-қават армонлари билан фоний дунёдан кетган улкан маънавий арбобнинг гарди энди муштоқ дийдаларга тўтиедир. Бугун мустақил Ўзбекистонда унинг шахси ва асарларига муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги улғу бир шукроналарга арзигуликдир.

Исомиддин ИКРОМОВ,
Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти кафедраси доценти

Шоир ижодидан намуналар

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнғини меҳнатда киши.
Кўнғим бу гарибликда шод ўлмади ох,
Гурбатда севинмас эмиш албатта киши.

Кўлдун бериким, ёри-диёрим йўқдир,
Бир лаҳза-у, бир нафас қарорим йўқдир.

Келдим бу сори ўз ихтиёрим билра,
Лекин борурида ихтиёрим йўқдир.

Жисмида иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздан учадур уйку чу ақшом бўладур.
Хар иккаласи ғамим билра сабримдек,
Боргон сайин бу ортадур, у кам бўладур.

МИНГ ДАРДГА ДАВО — ТОПИНАМБУР

Аваллари унчалик оммалашмаган, кўпчиликка номаълум бўлган топинамбур ўсимлиги сўнги 10-15 йил мобайнида ўзбек тилининг тиббиёт лексиконида топинамбур, халқ тилида топинамбург, ерноқ, картошка гул каби номлари билан пайдо бўлди. Айниқса, қон босими баланда, қандли диабет билан оғирган беморлар ўзларида синаб кўришга қарор қилиб, инсулин ўрнига топинамбур баргини дамлаб ичганда қимматбаҳо дорилар ўрнини босганлиги ҳақида мароқ билан сўзлаганларининг гувоҳи бўлганмиз.

Дарвоқе, топинамбурнинг асл ватани Шимолий Америка ҳисобланади. Топинамбур картошкасидан тайёрланган турли хил таомлар ва баргидан дамланган ичимликларни ҳиндистонликлар асосий емиш сифатида фойдаланиб келишган. Топинамбур 400 йил аввал Франция, кейинчалик АҚШда аниқланган.

Ҳамма уни манзарали гиёҳ сифатида билган, шифобахш хусусиятларидан эса кўпчилик беҳабар эди. Кейинчалик топинамбур картошкаси кўрга қўмилиб хомлигича ейилганда, баргичой сифатида дамланганида инсон кайфиятини кўтарувчи

витаминар ўрнини босиши амалда синалди. Натижада у "мўъжизали гиёҳ", "умрни узайтирувчи гиёҳ" номлари билан атала бошланди.

Халқ табобатида топинамбурнинг илдиз туганаги, ёш барглари ва новдаларидан қандли диабет, гипертония, тахикардия, юрак ишемия касаллиги, туберкулез, атеросклероз, камқонлик, мадор қуриши, айрим тери ва бошқа кўпгина касалликларни даволашда фойдаланилган. Озиқ-овқат саноатида қандли диабет билан оғирган беморлар учун турли хил парҳез маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асосий хом-ашё саналади, яъни топинамбур туганагидан кўпчилик ривожланган мамлакатларда шарбатлар, чипслар, қандолатчилик маҳсулотлари, ачиткилар, гўшт ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар сифатини ошириш учун қўлланиладиган табиий қуқунлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуниси диққатга сазо-

ворки, топинамбурнинг витаминларини салқинда сақлаган ҳолда, ундан, жигар, буйрак, ошқозон ости ўт пуфаги, ичак ва энг муҳими, қон босими, асабларни тинчлантирувчи, қанд касалини даволовчи ҳалдорининг ўндан ортқ турларини тайёрлаш устида илмий изланишлар давом этмоқда. Бироқ бизда чиройли, хушманзара ўсимлик, гул сифатида ўссадан шифобахшлигини кўпчилик билмайди. Менинг назаримда, ушбу энг арзон, энг мўъжизали табиат неъматидан тайёрланган дорилар дори-хоналарга чиқарилса, махсус фитобарлар ташкил қилинса, айни муддао бўлур эди.

Айни пайтда илмий раҳбарим "Табиатшунослик ва география" факультети декани, биология фанлари номзоди Ғайрат Қодиров билан биргаликда "Топинамбур ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари ва халқ ҳўжалигидаги аҳамияти" мавзусида битирувчимаалакавий иш устида илмий изланишлар олиб бормоқдамиз. ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари дарс машғулотлардан кейин устозим билан илмий изланишлар хусусида ўзар мулоқот қилиб, улар томонидан керакли тавсиялар берилмоқда.

Умида НИШОНОВА
Биология ва инсон ҳаётини фаолияти муҳофазаси йўналиши, талабаси

2013 йил – Обод турмуш йили

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

*Яхшилик – ахшидур – Она ҳикмати,
Юрагим тубига муҳрлангани рост.
Яхшилик – ахшидур – Олам неъматини,
Яхшилик обидан муҳрлангани рост.*

Яхшилик чин тарбиячлардан, муаллимлардан, холис олимлардан ўрганилади. Шунинг учун яхшиликни ўргатган тарбиячи, муаллим ва олимлар ҳақиқа дуолар ўқилади. Яхшилик ҳислати покиза онадан, ҳалол луқма берган отадан, меҳр – мурувватли қариндошлардан, яхши кўшнилardan ўрганилади. Яхшиликка яхшилик билан жавоб берилганда кўнгиллар яйрайди. Яхшилик ҳеч қачон завод кетмайди, яхшилик ортидан

яхшилик эргашиб келади. Шу ўринда ҳалқимизнинг доно ҳикматини эслаш фойдадан ҳоли эмасдир. “Яхшилик қилгин, дарёга сол-балиқ билади, билмаса-холик билади” деган. Бировга яхшиликни раво кўрмаслик, мунофиқлик, ичиқоралар ва ҳасадчилар ишидир. Ҳасад яхшиликни, умуман инсон қалбидаги барча эзгулик уругини еб битиради. Яхшиликка ошно бўлмаган қалбда чинор илдиз отмайди.

Хатто тухмат, ҳасад, сот-

қинлик, зинокорлик, ўғирлик, порахўрлик каби ишлар кўлидан келгани ҳолда уларга кўл урмаслик ҳам яхшилик қаторига киради. Энди ўзимизга, узоқ-яқин ўтмишимизга бир назар ташлайлик. Хўш, биз қай маҳал, кимга, қандай яхшилик қилган эканмиз? Майли бунга эсламайлик, ёдда ҳам йўқдир, эҳтимол, эсламаслик яхшироқ ҳамдир. Аммо бизга ким, қачон, қаерда, қандай яхшилик қилганини асло унутмаслигимиз керак деб ўйлайман. Зеро, шунинг ўзи ҳам обод турмушимиз, қадриятларимизнинг нишонаси эмасми?

Тўлқин ИКРОМОВ,
тиббиёт фанлари номзода, доцент

ОИЛА – МУЪЖАЗГИНА ЖАМИЯТ

Оила – муқаддас даргоҳ. Шарқда азал-азалдан оила муқаддас даргоҳ ҳисобланган. Инсоннинг шаклланиши, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбияланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, унинг эл ҳурматида сазовор бўлишида оиланинг ўрни жуда каттадир. Чунки оилада инсон шаклланади, миллий маданият, урф-одат ва қадриятлар оилада акс этади. Хар бир оила тинч-тотув, аҳил, ҳамжихат яшаса, юртда, мамлакатда, тинчлик, осойишталик барқарор бўлади.

Хар қайси миллатнинг маънавий юксалишида оиланинг ўрни беқийсдир. Мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини улуғлаб, 2012 йилни муҳтарам юртбошимиз томонидан “Мустаҳкам оила” деб номлангани бежиз эмас. Шу ўринда шунга айтиб ўтиш керакки, “Мустаҳкам оила” йилида юртимизда хайрли ишлар амалга оширилди. Мустаҳкам оила давлат дастури ишлаб чиқилди ва дастур асосида оилаларимизни мустаҳкамлаш учун турли хил тadbирлар ўтказилиб, ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Оила жамиятнинг кичик бир бўғинидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда “Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир”.

Оилада тинчлик, осойишталик, хотиржамлик бўлса турмуш обод бўлади. Оилаларимиз мустаҳкам экан, турмушимиз доим обод, ҳаётимиз фаровондир. Шунинг учун Президентимиз И. Каримов мустаҳкам оила йилининг мантқий давоми сифатида 2013 йилни “Обод турмуш” йили деб эълон қилганликлари ҳам оилаларимиз мустаҳкам бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ёшларимизни хар томонлама соғлом ва барқарор этиб тарбиялаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, авлодлар абадийлиги ва давомийлигини таъминлайдиган оилани мустаҳкамлаш, турмушимизни обод бўлиши учун кўлаб ўзгаришлар, янгиланишлар бўлмоқда. Қишлоқларимиз, шаҳарларимиз, маҳаллаларимиз обод масканга айланмоқда, қишлоқ жойларда ёш оилалар учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий ўй-хоилар куриб битказилиб, ўз эгаларига топширилмоқда. Касб-хўнар коллежлари, олийгоҳларни тугатган ёшлар иш билан таъминланмоқда. Бундай савобли ишлар ҳам ободликнинг бир белгисидир. Зеро, ободлик аввало кўнгилдан бошланади. Кириб келган “Обод турмуш” йили юртимизга кут-барака, фойз, яхшилик, тинчлик олиб келсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, турмушимиз обод бўлсин. Турмуш обод экан, юртимиз ободдир. Оила муъжазгина бир жамият экан, бутун жамиятнинг дахлсизлиги ҳам унинг жиқслигига боғлиқ.

Махлиё НАЗАРОВА,
Мактабгача таълим йўналиши талабаси

Хар бир халқнинг ўтган авлодлари яратиб мерос сифатида қолдириб кетган маданий бойликлари хазинасига халқ ўйинлари ҳам киради. Халқ ўйинлари мамлакатнинг миллий хусусиятларини, катта ёшли кишиларнинг феъл-атворларини, одатларини, меҳнат жараёнларини, жуғрофий шароитларни ифодалайди.

Боқий шажара

Маънавиятнинг шакллантириш

жараёнида ўзбек халқ ўйинларининг ўрни катта

Ўзбек халқ ўйинлари бизнинг эраимизгача бўлган даврларда вужудга келган. Буни археологик қазилмалар ва қадимги Рим ёзувчиси Элианнинг этнографик материаллари ҳам тасдиқлайди. Юнон тарихчиси Помпей Трог (эраимизнинг 1 асри) ёзувларида бир вақтлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги қабилалар моҳир жангчилар, мушталлашнинг яхши билдирган, чавандоз, мерган, найзбоз ва камончи, яъни ҳарбий ишларга уста бўлишгани ҳақида маълумотлар бор.

Ўзбек халқ ўйинлари орасида дорбозлик санъати алоҳида ажралиб турган. Ҳ. аюлларда қараганда, дорбозларнинг шайх ва қишлоқларда ўз санъатини намоён этиши осойиш-

талиқ ҳамда мўл ҳосил гарови бўлган. Бу ҳақда XV аср бошида Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ёзиб қолдирган. Омавий байрамларда халқнинг турмуши, одамларнинг ҳаётни севиши, меҳрибонлиги, қувноқлиги намоён бўлган.

Сайиллар вақтида «Оломон пойга», «Қиз қувил», «Кураш», «Ағдарил», «Қўпқари», «Дуппи ташар» каби ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилган. Меҳнат жараёнига боғлиқ тантаналар – («Ҳосил байрами», «Қовун сайли» ва ҳоказолар) боис «Қовун пишдиими?», «Қовоқ танлаш» каби ўзбек халқ ўйинлари юзага келган. Халқ орасида хайвонлар ва қушлар мавзусидаги

жуда қизиқарли рақслар («Қаптар ўйини», «Чағалак», «Юмрон-қозик», «От ўйини»), шунингдек, «Карнаими, сурнайми?», «Нина, ип ва тугунча», «Қовоқ экиш», «Хўроз ва товук», «Қоч болам, қуш келди», «Оқ теракми, қуқ терак» каби ўйинлар ҳам машҳур бўлган.

Мустақиллик йилларида кўп йиллик тарихга эга ўзбек халқ ўйинлари халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти ва турмуш тарзини ўзига хос шаклларда акс эттирмоқда. Уларда катта кичикнинг бепоён ватанига ота-ини муҳаббати намоён бўляпти.

Хуршида ҚУРБОНОВА,
Меҳнат таълими йўналиши талабаси

Меърият гулшани



Бахтиёр СОАТОВ,
(Бахтиёр Мирзо)
Мактабгача таълим назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзода, доцент, педагогик фаолият билан бир қаторда бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Сизга унинг ижодидан намуналар тақдим этаёғимиз.

Пардлар

*Бу дунёга қиллар келиб,
қиллар эса кетади,
Мард олданда, хар галгидек
номард ортда кетади.*
* * *
*Ўтказгин ҳақиқий улрни – умр,
Булмама, балисони қоп-қора кўмир.*
* * *
*Дўст ачишиб сўз отар танадан,
Душман-чи, тош отар панадан.*
* * *
*Ҳақиқий дўст қалбда меҳрлар тарам,
Қопоқида ҳашиша чап қўлда қалам.*
* * *
*Оиланг сенинг ҳиққатинг,
Ёмон бўлсанг, диққатинг.*
* * *
*Ўзун кийгин, юртин рўмолим,
Ҳайрон бўлма, бўлма гумоним.*
* * *
*Мурод қилган тезда етади,
Ҳасратли-чи, тезда кетади.*
* * *
*Лаганбардор ўйнатади қошларини,
Сўнг отади ортингиздан тошларини.*
* * *
*Секин сўзла, жамла ақлу зикрингни,
Соя каби ўзгартирма фикрингни.*
* * *
*Бу дунёга келганимиз Инсон бўлиб,
Боқийга кетайлик, фаршита юриб.*

Ошино бўлгин

*Ошино бўлгин, ўз элингни қорига,
Айлангин, кўлин юпин ҳалқорига.
Аяма, ҳеч белиннат ёрдамингни,
Тилмасол бўл, сен йиғитларнинг қорига.*
*Талаббур, мунофиқни ҳиссиз дегин,
Дунё кўрмас сўқирга эссиз дегин.
Ёдда тут, ҳеч унутма, беш кун дунё,
Ошиқ кўзми сўқирни дидсиз дегин.*
*Тардшии давронни кўзлаб юрмагин,
Элдан қолган сўзни сўзлаб юрмагин.
Дунё тўнлаб, ярамай эл қорига,
Ахли халқ ичинда бўзлаб юрмагин.*
*Мирзо айтар, эл ичинда борини,
Шул сабаб, қўлга олар шўх торшин.
Малҳам билиб ҳисларин, дилин очиб,
Устун тутар, ўз элининг қорини.*

Бахтли кунлар

*Оллоғга минг шуқур қилман,
Унинг ўзи мадақдор, посбон,
Сизларга бахт тилайман хар он,
Сизларни оллоҳим асрасин.*
*Ҳаётда ҳеч армон бўлмасин,
Қалбингиздан шаймон кетмасин,
Бахтли кунлар ҳеч тарк этмасин,
Сизларни оллоҳим асрасин.*
*Ёмонларнинг ҳийла макридан,
Зулмат қора туннинг қаҳридан,
Чомадларнинг тухматларидан,
Сизларни оллоҳим асрасин.*

Зоир АБДИЕВ,
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаси

Нечун йиғлаб кетдинг?

*Бир гунча атиргул беролмадинг сен,
Бир келиб табассум қилолмадинг сен,
Бир бора дил розин айтолмадинг сен,
Нечун сен мени йиғлатиб кетдинг?*
*Сени кўролмаган армонларим бор,
Сенга аталган изҳорларим бор,
Ўйқусиз тунларда аламларим бор,
Нечун сен мени йиғлатиб кетдинг?*
*Ёмончи дунёга сиймай қолдинг сен,
Ҳижрон азобида қўйиб ёндым мен,
Не қилай, мен сени унутмайман,
Нечун сен мени йиғлатиб кетдинг?*
*Менга айтаган сўзларинг хотира бўлди,
Бу дунё мен учун зулматга тўлди.
Бахтли қилолмадинг-у, бахт тилаб кетдинг,
Нечун сен мени йиғлатиб кетдинг?*

Раъно МИНГБОВЕВА,
Бошланғич таълим йўналиши талабаси

Муттиқлар оналарга

*Қадимда бор шундай афсона,
Ҳайгамбардан бизга панднома,
Рози қилгин онангни авбал,
Дуо қилган сени хар маҳал.*
*Бола эдик, болада, деди,
Боғидаги молаида, деди,
Ҳато қилсак кўнглимиз ўйлаб,
Койимасдан болам-да деди.*
*Бемор бўлсак тунлари бедор,
Унинг қалби, руҳи ҳам бемор.
Кўзларимиз ёшланса агар,
Заҳмат чекар онамиз минг бор.*
*Яшаймиз, уйлар шоҳона,
Ёришимизга бўлиб парвона,
Кулбасида ўтирган она,
Дуо қилар “омон бўлгина”.*

Устозимга

Педагогика-психология кафедраси катта ўқитувчиси Малика Қодировога бағишлайман
*Билим бериб толмаган инсон,
Яхшиликни қуйлаган инсон,
Кўзларида меҳр бор хар он,
Қалбингиз-чи зиёга макон.*
*Болаларча бегубор қалби,
Юрагида шогирдлар дарди,
Фарқат эзгу ниятла яшанг,
Ўйқолмасин умрингиз қадри.*
*Доим ихболнингиз порласин дейман,
Сизни оллоҳ ўзи қўлласин дейман,
Бахтли яшанг, кўрмасын армон,
Эзгу ниятларим сизга тилайман.*
Лобар ТҲУХТАЕВА,
Педагогика-психология йўналиши талабаси

Зиё чашмаси
МУАССИС:
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбатчи: К. Нуъмонова

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili:
Jizzax shahni, 130100.
Saytlojyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № Shaki-A-3.